
КАСАБА УЮШМАСИ КУБОГИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ижроия қўмитаси ташаббуси билан «Беш ташаббус» ўйинлари доирасида «Касаба уюшмаси кубоги» мусобақалари бугун туманимизда старт олди. 5-умумий ўрта таълим мактабида биринчи сектор ҳудудидаги умумтаълим мактабларидан келган 207 нафар ўқитувчилар спортнинг мини футбол, стол тенниси, волейбол, шахмат ва шашка турларидан беллашдилар.

Туман ҳоқими Дилшоджон Джалилов мусобақа жараёнлари билан танишиб, қатнашчиларга омад тилади. Барча иштирокчилар ғолиблик учун астойдил курашдилар.

Мусобақанинг сектор босқичи ғолиблари туман биринчилигида иштирок этадилар. «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида туман ҳоқими бошчилигида мактаб ҳовлисига манзарали дарахт кўчатлари экилди.

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-03-02 08:32:58